ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00452

ЛОЙИҲА ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИНИНГ ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИ

Муҳаббат Юсупова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Шотилло Шорахметов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда инглиз тили ўқитувчиси ўз педагогик фаолиятини педагогик инновация асосида ташкил эта билиши ҳамда бошқариши, ўз педагогик фаолияти учун зарур бўлган педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни ишлаб чиққан бўлиши, уларни кундалик фаолиятида таълим жараёнига татбиқ эта олиши, педагогик техникага эга бўлиши, ўз фаолиятини лойиҳалаштира олиши, хорижий тилни ўқитишнинг босқичма-босқич (step-by-step) яхлит моделини ярата олиши зарурлиги ҳақида сўз олиб борилади.

Калит сўзлар : лойиҳа технологияси, инновация, педагогик фаолият, ўқув жараёни, ижодкорлик, инглиз тили, мутахассис

PRODUCTIVE FEATURES OF APPLYING PROJECT TECHNOLOGIES IN THE LEARNING PROCESS

Muhabbat Yusupova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Shotillo Sharakhmetov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article goes on to say that Today, an English teacher can organize and manage their pedagogical activities on the basis of pedagogical innovations, develop pedagogical technologies and interactive methods necessary for their pedagogical activities, apply them in their daily activities, have pedagogical techniques, design their activities and should be able to create a step-by-step integrated model of foreign language teaching.

Keywords: Project technology, innovation, pedagogical process, learning process, creativeness, the English language, expert.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00452

КИРИШ

Дунё миқёсида бугунги кунда бўлажак мутахассислар учун цивилизация ютуқларидан кенг фойдаланиш, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш, таълим мазмунини умумевропа халқаро стандартлари асосида ташкил этиш муҳим ўрин эгалламоқда. Умумевропа халқаро стандартларига асосан бўлажак чет тиллари мутахассисларини тайёрлашда CEFR (Common European Framework of Reference for Language) малака талаблари асосида олий таълим сифатини халқаро даражага кўтариш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда чет тилларини чуқур ўқитишга кенг эътибор қаратилиб, таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш” каби вазифалар белгиланган. Бунда, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида фаолият мотивлари асосида касбий компетентликни ривожлантириш, ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Педагогик инновацион жараёнлар Ғарбда 1970 йиллар охирларидан, мамлакатимизда эса мустақиликка эришилганидан сўнг олимлар томонидан махсус ўрганила бошланди. Жаҳон педагогик-илмий жамоатчилигининг мавзуга қизиқиши махсус инновацион хизмат, нашриёт, журналларда инновацион мақолалар кўринишида бўляпти. Хусусан, ЮНЕСКО қошида таълимни ривожлантириш Осиё педагогик инновациялар маркази мавжуд бўлиб, жаҳоннинг турли мамлакатларидаги педагогик янгиликларни умумлаштириб, таълим масалалари бўйича халқаро бюро билан биргаликда, педагогик жамоатчиликка махсус нашрларда улар ҳақида маълумотлар тарқатади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00452

XX аср бошларида янги билим соҳаси - янгиликларни киритиш, қўллаш юзага келди. У маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида техник янгиликларни киритиш қонуниятларини ўргана бошлади. Янгиликларни киритиш ҳақидаги фан - инноватика - фирмаларнинг янги режа, хизматларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш фаолиятига талабларни кескин ошиб бориши акс эттирилган ҳолда пайдо бўлди. Ўз даври учун янги бўлган педагогик қарашлари кенг тарқалди. Мазкур жарёнларда олимлар эътибори қуйидаги икки асосий йўналишга, яъни:

1) янги педагогик тизимлар ва уларнинг элементларини таълим амалиётига жорий этиш;

2) таълим соҳасида янги бошқарув технологияларини ва дастурлашган тизимларни жорий этишга қаратилди.

Таълим олувчиларни умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг бой маданияти билан таништириш, уларда билимларни эгаллашга кўникма ва малакаларини оширишга бўлган талабларни шакллантириш, эстетик тушунчаларни камол топтириш, таълим олувчиларнинг ижодкорлиги ва иқтидорини юзага чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит яратишда таълимий технологияларнинг ўрни беқиёс. Шу боис, бугунги тезкор ўзгарувчан шароит ОТМлари битирувчисида компетентлик, ташаббускорлик, эгилувчанлик, динамиклик, конструктивлик ва янгиликка интилувчанлик каби сифатларни шакллантиришни тақозо этади. Педагогика ОТМларида тайёрланаётган бўлажак ўқитувчилар, шу жумладан, инглиз тили ўқитувчиси бутун ҳаёти давомида мустақил таълим олишга интилувчан, илғор технологияларни эгаллаган ва улардан фойдаланишни тушунган, мустақил қарор қабул қила оладиган ижтимоий ҳамда бўлажак касбий муҳитга мослашувчан, кутилмаган вазиятларга тайёр ва улардан тез чиқа оладиган бўлиши лозим.

НАТИЖАЛАР

Лойиҳа технологиясининг таълим жараёнида таъминланиши натижасида таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасидаги маҳсулдор фаолият содир бўлади. Мазкур фаолият натижасида таълим олувчи ўз фаолиятидан қониқиш ҳиссини бошидан кечиради. Чунки лойиҳа устида ишлаш жараёнида таълим олувчи ўз-ўзининг фаолиятини режалаштиришга, ташкил қилишга ўрганади, муваффақиятни ҳис этади.

Адабиётлар тахлили ва методология

Лойиҳа технологияси XX асрнинг 20-йилларида АҚШда пайдо бўлиб, унга инсонпарварлик педагогикасининг асосий қирраларидан бири сифатида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00452

қарала бошланди. Уни илк бор лойиҳа методи ёки муаммоли метод сифатида таълим жараёнига татбиқ қилишди. Мазкур технологиянинг асосий ғоялари америкалик педагог олим Жон Дьюи томонидан ишлаб чиқилган. Олимларнинг фикрича, лойиҳа технологияси таҳсил олувчиларнинг шахсий қизиқишларини инобатга олган ҳолда, таълим жараёнига татбиқ қилиниши ва таълим субъектларининг ўқув жараёнидаги фаолиятини мақсадли йўналтиришга мўлжалланиши лозим эди. Ўқув жараёнидаги дидактик парадигма реал ҳаётдан олинган вазиятли муаммо бўлиши ва ушбу муаммонинг ечими жамоавий тарзда ёки кичик гуруҳларда фан ютуқларидан фойдаланиб, мустақил топилиши, муайян натижани қўлга киритишга хизмат қилиши лозим. Бунда муаммо ва унинг ечими яхлит ҳолатда лойиҳалаш фаолиятидан иборат бўлиши зарур.

Лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш таҳсил олувчилар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бинобарин, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида лойиҳа технологиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилаётгани алоҳида долзарблик касб этиб, таълим жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини кенгайтиради.

Инглиз тилини ўқитишда мазкур технология ўқитувчининг таълим – тарбия жараёни мақсадларидан бошлаб, ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши машғулотларни самарали ташкил этишга, ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади ва инглиз тилини ўқитишда самарали натижаларни беради.

ОТМда бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг лойиҳа технологиясидан фойдаланиш тўғрисидаги билимлар пойдевори қўйилиши, педагог-тадқиқотчи сифатида ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиш мотивацияси илмий шаклланиши лозим.

Рус олими В.П.Беспальконинг таъкидлашича “...таълимда қўлланиладиган янги моҳиятдаги дидактик технологиялар маълум бир восита бўлиб хизмат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00452

қилади. Мазкур парадигма янги илмий ва амалий педагогик фаолият тизимини яратиб беради. Унинг асосида таълим олувчи атроф- муҳитда янги моддий ва маънавий бойликларни яратиш учун тайёр ҳолатга келтирилади". Демак, технология фаолиятни натижага олиб келувчи омил бўлиб хизмат қилади. Педагогик фаолиятда ҳар қандай лойиҳа технологиянинг таянч нуқтаси ҳисобланади.

Бугунги кунда инглиз тили ўқитувчиси ўз педагогик фаолиятини педагогик инновация асосида ташкил эта билиши ҳамда бошқариши, ўз педагогик фаолияти учун зарур бўлган педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни ишлаб чиққан бўлиши, уларни кундалик фаолиятида таълим жараёнига татбиқ эта олиши, педагогик техникага эга бўлиши, ўз фаолиятини лойиҳалаштира олиши, хорижий тилни ўқитишнинг босқичма-босқич (step-by-step) яхлит моделини ярата олиши зарур. Демак, инглиз тили ўқитувчиси зиммасига юклатилган турли янги моҳиятдаги вазифалар кўлами кенг бўлиб, уларнинг барчасини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш лозим. Ўзбекистонда таълим тизимининг дунёвий тавсифга эга эканлиги, билимли бўлиш ва шахс истеъдодларини рағбатлантириш каби тамойиллар шуни тақозо этади.

Натижалар

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш ҳар жиҳатдан уларнинг келгуси фаолиятларида илғор, сермаҳсул ижодий шахс, кенг қамровли қизиқиш, ички дунёси бой, педагогик янгиликка ўч бўлишини таъминлайди. Бунда фаолият мотивацион, технологик ва рефлексия қисмлардан ташкил топади. Ўқув фанлари, уларнинг мақсади, таркиби аниқлангач, ўқув дастурлари тузилади. Дастурлар асосида дарсликлар ёзилади. ОТМларида тайёрланаётган мутахассислар, шу жумладан инглиз тили ўқитувчиси бутун ҳаёти давомида мустақил таълим олишга интилувчан, замонавий технологияларни эгаллаган ва улардан фойдаланишни тушуниши, мустақил қарор қабул қила оладиган ижтимоий ва бўлажак касбий муҳитга мослашувчи, ҳаяжон ҳолатларга тайёр ва улардан тез чиқа оладиган бўлиши лозим. ОТМда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш уларнинг билим эгаллашга бўлган мотивациясининг такомиллашувига олиб келади.

МУҲОКАМА

Ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланиш инглиз тилини ўқитиш аспектида шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00452

нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Таълим жараёнида лойиҳа технологиясининг қўлланиш тарракқиёти ўз тарихига эга бўлиб, бунда америкалик олим Ж.Дьюининг прагматизм назарияси алоҳида ўрин эгаллайди .

Ўзбек олими Ж. Бўронов "...ҳамкорликдаги таълим, таҳсил олувчи, ўқитувчи ва маъмурият орасида дўстона муносабат устуворлиги асосида сифатли таълим бериш жараёни вужудга келади"-деб ёзади, ўзининг "Ҳамкорликда ўқитиш технологиялари" китобида. Олим таҳсил олувчиларга нисбатан дўстона муносабат муҳитини лойиҳалашда ҳам талаба ва ўқитувчи орасида ўзаро ҳурмат шаклланган таълим жараёнида партисипатив асосдаги ўқув муҳити қарор топишини таъкидлайди.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини лойиҳа технологияси асосида ўқув жараёнига тайёрлашда уларда келгуси касбий фаолияти таркибидаги тилга оид компетенциялар асосида ижтимоий-сиёсий ва публицистик мавзулардаги муайян матнларни англаш, хориж тили, она тилидаги нутқий компетенцияни фарқлаш, тил вакиллари билан мулоқот қилишга қаратилган ижтимоий компетенциялар намоён бўлади. Буларнинг барчаси дидактик мазмунда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини лойиҳа технологияси асосида ўқув жараёнига тайёрлаш зарурлигини кўрсатади. Мазкур компетенциялар ижтимоий-маданий компетенцияларнинг бир компоненти саналади. Уларни ривожлантириш талабаларга инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларнинг қадриятлари билан танишиш имконини беради ва ўз навбатида, ижтимоий-маданий мулоқот шароитида касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун асос бўлади. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнига тайёрлашда лойиҳа технологиясидан бири бўлмиш- веб-квест технологиясини қўллаш нафақат Интернетдан кўрсатилган ҳаволалар бўйича ахборот тўплаш, балки эгалланаётган касб билан боғлиқ вазифаларга ечим топиш учун, уни ташкил қилиш, тузилмаларини белгилаш ва уни тўла идрок этишни назарда тутади.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнига тайёрлашда лойиҳа технологиясини қўллаш натижасида хорижий тилдаги аутентик материаллардан фойдаланиш, талабаларнинг таълим олишга бўлган мотивациясини рағбатлантириш, ўрганилаётган ўқув материали бўйича билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш, таҳлилий ва танқидий фикрлаш; билиш фаоллигини ошириш, шахсий, гуруҳ шаклидаги мустақил ишларни ташкил этиш, хорижий тилни ўқитиш жараёнида бевосита ва билвосита интерфаоллик, рефлексия учун метакогнитив тажриба ҳамда қобилиятни шакллантириш, ҳар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00452

қандай таълим йўналиши доирасида мавзуий йўналтирилган таълим ўзгарувчанлигини таъминлаш, назарий ва амалий тавсифдаги фанлараро вазифаларни ҳал этиш; рецептив, продуктив нутқий фаолият ва ижодий салоҳиятни ривожлантириш, таълим жараёнида ижобий ҳиссий муносабатни шакллантириш, ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясининг умумий кўникма ва малакаларини эгаллаш имконини беради.

Хорижий тиллар соҳасида эса лойиҳа технологиясининг ўзига хос анъаналари, ўқиш услублари, ўқитиш ёки ўқишни ташкил қилишнинг самарадорли тизимлилиги шаклланган бўлиб, инглиз тилини ўқитишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, инглиз тили ўқитувчиси сифатида ўз келажагини кўрадиган мутахассислар учун ниҳоятда муҳим. Хорижий тилларни ўргатишни ёки ўқишларни ташкил қилишда лойиҳа технологиясини қўллашнинг асосий мақсади сифатида тил ўрганувчилар, шунингдек талабалар томонидан коммуникатив компетенцияларга эга бўлиш эканлиги баъзи мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилган.

Лойиҳа технологиясининг ўқув жараёнида фойдаланилишининг афзалликлари мутахассислар томонидан самарали технологиялардан бири сифатида баҳоланиши билан бир қаторда, унга нисбатан аниқ қарашлар ҳам шаклланган бўлиб “биргаликда таълим олиш нафақат осон ва қизиқарли, балки бир мунча самарали” дея таърифлар ҳам берилганлигини ҳам қайд этиш лозим.

Хорижий тилларни ўзлаштиришнинг ушбу жиҳатига алоҳида эътибор қаратган америкалик лингвист Д.Хаймс томонидан ўтган асрнинг 72-йилида коммуникатив компетенция тушунчасини методика соҳасига олиб кирган ва “тилнинг корпуси ва турли нутқий малакаларни эгаллаш билан бир қаторда, самарали нутқий мулоқот учун “маданий ва ижтимоий аҳамиятга эга воқеликлар”дан ҳам хабардор бўлиш лозим”. Бугунги кунда, нафақат таълим тизимида, балки барча соҳаларда юз бераётган интеграциявий ва глобаллашув жараёнлари шароитида, маданиятлараро муносабатларнинг ривожланиши хорижий тилларни ўрганиш борасидаги замонавий назарияларда бутунлай янги онтология сифатида намоён бўлмоқда. Хорижий тилларни ўрганишнинг ўзига хос йўналишлари, методлари шунчалик ривожланиб, такомиллашиб бормоқдаки, мазкур соҳада кўплаб адабиётлар, махсус илмий-методик йўналишлар вужудга келмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда, ўқув жараёнида тилнинг жонли ва табиий амал қилишини турли кўринишларда акс эттирадиган хорижий тиллардаги аутентик материаллардан фойдаланиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда .

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00452

ХУЛОСА

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини лойиҳа технологияси асосида ўқув жараёнига тайёрлаш жараёни қуйидагиларга қаратилади:

талабаларда ўқув-билиш мотивациясини ошириш;

талабаларда билиш фаолиятини ривожлантириш;

таҳсил олувчиларнинг дарсга тайёргарлигига бўлган масъулиятни оширади ва кейинги ўқув фаолиятига рағбат сифатида намоён бўлади.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнига тайёрлашда лойиҳа технологияси:

Талабаларда билиш фаолиятини ривожлантириш, қўшимча адабиётлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, замонавий таълим технологиялари, компьютер, Интернет, электрон ахборот ресурслари имкониятларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш; тақдим қилинган ўқув материалидаги муҳим ғояларни саралаш, таҳлил қилиш, қиёслаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш; дарс самарадорлигини ошириш, ўрганилаётган ўқув фанини ўрганишга мотивацияни инновацион технологиялар орқали ҳосил қилиш.

Юқорида келтирилган фикрларни хулосалаб шуни айтиш мумкинки, ОТМларда инглиз тилини ўқитиш жараёнида лойиҳа технологиясини қўллаш малака талабларида белгиланган таълим мазмуни, мақсади ва таркибий тузилиши асосида ташкил этилиши; талабаларда инглиз тили ўқув курси асосларининг илмийлик элементлари сингдирилган пойдеворини шакллантириши; ўқув фанига бўлган қизиқишларини орттириши; талабаларда инглиз тилида ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, оғзаки нутқни такомиллаштириши; ижодий фикрлаш кўникма ва малакаларига асос солишга қаратилган бўлиши лозим.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.
2. ЮНЕСКО нинг "Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш" дастурий ҳужжати https://unesdok/unesko/org/ark^/48223/pf0000143349
3. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – 192 с.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00452

4. Игна О.Н. Развитие социокультурной компетенции студентов на основе аутентичных материалов при профессионально ориентированном обучении иноязычному общению: дис. … канд. пед. наук. –Томск, 2003. –186 с.
5. Полат Е.С. Метод проектов на уроках английского языка. http://center/fio.ru/do/news.asp.
6. John Dewey Experience and Education First Touchstone Edition 1997 published by Simon & Schuster New York, 1997. – p 95.
7. Yusupova, M. (2019). Development of Communication Competence while Using Project Work in Teaching English to Students in Higher Education as an Actual Problem. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).
8. Yusupova, M. A. (2019). COMMUNICATIVE COMPETENCE AS A CORE COMPETENCE IN TEACHING ENGLISH TO STUDENTS. Современные исследования в области преподавания иностранных языков в неязыковом вузе, (8), 39-44.
9. Rasulov, R. (2021). COUNTERAGENT VALENCE OF STATE VERBS (ON THE MATERIAL OF THE UZBEK LANGUAGE). Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 673-680.